



POSTDA



O'zbekiston Respublikasi
IV nashri

2010-yil

So	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30

Июнь

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №25 (3866)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти тўғрисида АХБОРОТ

Шу йилнинг 16 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон раҳбари кейинги кунларда Қирғизистон Республикаси жанубида, Уш шаҳри ва Жалолобод вилоятида уюшган босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига, биринчи навбатда, ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан жазосиз қолаётган қотилликлар, зўравонликлар, қиргин ва ўт қўйишлар ҳақидаги аниқ маълумотлар, рақамлар ва далилларни батафсил баён этди.

Юзлаб қурбон бўлганлар, шунингдек, жабр кўрганлар, жароҳатланганлар орасида минглаб ўзбек миллатига мансуб фуқаролар бор.

Тинч аҳоли ва Қирғизистон муваққат ҳукумати раҳбари Р.Отунбоевнинг мурожаатидан сўнг қочқинларни қабул қилиш учун Ўзбекистон чегараси очилди. Бугунги кунда асосан аёллар, болалар ва кексалардан иборат қочқинларнинг сони 70-80 мингдан ошади. Бу, ўз навбатида, уларга ёрдам, биринчи навбатда, тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармон етказиб бериш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Қочқинлар учун барча зарур шарт-шароит яратилди ва яратилмоқда: беморлар, шунингдек, ҳомиладор аёллар шифохоналарга жойлаштирилди, ҳамма эҳтижманларга профилактик тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, маийш шароитлар яратилмоқда, уч маҳал овқат билан таъминланмоқда. Вазият аввало қочқинлар оқимининг қўпчилиги, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати туфайли мураккаблашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жабр кўрган одамлар оғир аҳволда қолганини инобатга олиб, ҳозирча фақат БМТ тузилмалари ва айрим давлатлар томонидан таклиф этилаётган ёрдамни тезлаштириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Ёрдам тариқасида келатган юрларнинг ҳаракати йўлидаги оралик бўғинларни камайитириш ва уларни даҳшатли қиргиндан жабр кўрганлар жойлаштирилган ерларга бевосита етказиб бериш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Ушбу жараён юзасидан ғоят қатъий назорат ўрнатилиши мумкинлиги таъкидланди.

БМТ Бош котиби, ўз навбатида, Қирғизистон жанубида юзага келган вазият ва қочқинлар лагерларидаги аҳвол тўғрисидаги маълумотлар, БМТ ва унинг тузилмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларига жағдийдалар жойлашган лагерларга очик ва эркин кириб-чиқиш учун яратилган имконият учун миннатдорлик билдирди, шунингдек, фалокат зоналарида вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

БМТ Бош котиби ёрдам кўрсатиш борасидаги барча ишларни шахсан ўзи мувофиқлаштириб бораётганини ҳамда Қирғизистон жанубидаги аҳолини қўллаб-қувватлашнинг самардорлигини ошириш ва жабр кўрган аҳолига бевосита ёрдам кўрсатиш бўйича барча зарур чораларни кўраётганини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деди жаноб Пан Ги Мун, Қирғизистон жануби ва бутун мамлакатдаги вазиятни бевосита назоратга олган ва вазиятни барқарорлаштириш бўйича тезкор чоралар кўради.



«Галла - 2010»

БОБОДЕҲҚОНЛАРГА МАДАДКОРМИЗ



Суратда: Урта Чирчиқ тумани ИИБ ҚХҚБ профилактика инспектори, катта лейтенант Отабек Олимов «Ёнғичқоли» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурахмон Хайдаров ва «Мусахонобод - Агро» фермер ҳужалиги раҳбари Мусахон Аткияев билан ҳосил чўғини намалашмоқда. Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган сурат.

Тошкент вилояти галлакорлари 133 минг 500 гектар майдонга бошоқли дон экинлари экиб, жами 504 минг тонна ҳосил олишни мўлжаллашган.

Вилоят ҳудудида галла ўрми-йиғими бошланди. Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам галлакорлар, деҳқон фермерлар билан ёнма-ён туриб, йиғиштириб олинаётган дон қабул пунктларига нест-нобуд бўлмай етказилишига камарбаста бўлишапти.

Мавсумда қатнашиши мўлжалланган «Кейс», «Класс», «Нью-Холланд» русумли комбайнлар, юк автомобиллари, ёқилги ташувчи техникалари, тракторлар ва тиркамаларнинг тайёргарлиги,

уларнинг ёнғинга қарши ҳолати ва бирламчи ёнғин учуриш воситалари билан таъминлангани текшириб чиқилиб, аниқланган камчиликлар бўйича ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Шунингдек, вилоят ҳудудида жойлашган дон қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш корхоналари, машина-трактор саройларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш чоралари кўрилоқда. Дон маҳсулотларини қабул

қилиш, сақлаш, қуритиш ва қайта ишлаш корхоналарига, галлазорлар атрофлари ҳамда автомобиль йўлларига ёнғин хавфсизлигини тарғиб қилувчи паннолар ўрнатилди. Мавсумда иштирок этаётган барча турдаги транспорт воситаларини бирламчи ўт учуриш воситалари ва учқун учиргич билан таъминлаш чоралари кўрилди.

(Давоми 3-бетда).

Инсон ҳуқуқлари – муқаддас


«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» САМАРАСИ

Кейинги пайтда юрт тинчлиги ва халқ осойишталигини таъминлаш йўлида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш диққат марказида. Бу борада ички ишлар идоралари тизимида фаолият кўрсатаётган «Ишонч телефонлари»нинг муносиб ўрни бор. Шу ҳақда Хоразм вилояти ИИБ ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи, подполковник Гофир ДАВЛЕТОВ куйидагиларни гапириб берди:

«Қаерда жиноятчиликка қарши кенг қўламада кураш олиб борилмас экан шу жойда ривожланиш ҳам, иқтисодий ўсиш ҳам бўлмайди. Шу боис, бошқарма раҳбарияти томонидан жиноятнинг ҳар қандай қўриқилиши тағ-томири билан йўқ қилиш учун бор имкониятлар ишга солинапти. Ана шундай амалий тадбирларимиздан бири «Ишонч телефонлари» фаолият кўрсатаётганидир.

Бугунги кунда вилоят аҳли бошқарма, шунингдек, шаҳар ва туман ИИБларига ўрнатилган 13 та «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилинмоқда. Утган йил давомида фуқароларимиздан 98 та хабар келиб тушган эди. Барча қўғироклар юзасидан тезкор тадбирлар олиб борилиб, қўғирокларга нисбатан 25 та маъмурий жазо чоралари қўлланилди, 8 та жиноят иши қўзғатилди.

Жорий йилда эса бизга мурожаат қилаётган аҳолининг фаоллиги янада ошди. Шу ўринда мисолларга тўхташсак, Богот тумани ИИБ наватчилик қисми «Ишонч телефони»га бир фуқаро сизмоқда. У Бешарик қишлоғининг Бойқозоқ маҳалласида яшовчи Э. Кенжа ўз уйда бангхона очгани, бу ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганини маълум қилди. Туман ИИБ тезкор гуруҳи ушбу хабар юзасидан Э. Кенжанинг хонадонига борганида у танишлари, боғотлик Р. Азим, М. Тўрамурод ва К. Қувондиқларга героин истеъ-



Суратда: Янгиариқ тумани ИИБ наватчилик қисми катта наватчиси, майор Раҳимбой Қаландаров ва наватчи ёрдамчиси, сержант Мақсудбек Муҳаммадов «Ишонч телефони»дан келган хабарни қабул қилиб олишапти.

Мирзабек АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

мол қилиш учун шароит яратиб бергани аниқланди. Воқеа жойидан ашёвий далил сифатида ичида героин қолдиқлари бор бўлган икки донга қўлбола чўчим ва бошқа ашёлар олинди.

Хазорасп тумани ИИБ наватчилик қисми «Ишонч телефони»га келган хабар тезкор гуруҳ аъзоларини Карвак қишлоғининг Янгиобод маҳалласига бошлади. Аҳоли зич жойлашган ушбу ҳудудда ҳеч қаерда

(Давоми 3-бетда).

Давра суҳбати

Маълумки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 1997 йил 30 августда қабул қилинган эди. Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши муносабати билан ўтган давр ичида кодексга қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар туфайли суд ҳокимиятининг нуфузи ошиши баробарида фуқаролар ва ташкилотларнинг суд орқали ҳимояланишига бўлган ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайди. Ана шу мақсадда апелляция институти жорий қилинди, кассация институтининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди.

АНИҚ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Шунингдек, фуқаролик ишларини кўриб чиқишни соддалаштиришни назарда тутувчи буйруқ тартибда иш юритишга оид нормалар киритилди. Яқиндагина «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан бир қанча қонун ҳужжатлари қатори фуқаролик процессуал кодексига ҳам айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Уларга қўра, Фуқаролик процессида эксперт бўлиш ҳуқуқига эга субъектлар белгилашиб, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир қоидалар янада такомиллаштирилди.

Шу йилнинг март, апрель, май ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ушбу кодекс мониторинги ўтказилди. Унинг натижаларига қўра, умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида қўлаиб бораётгани аниқланди. Процесс иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг оид судлов ҳимоясига бўлган кафолатларини кучайтириш, суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминловчи процессуал механизмларни такомиллаштириш, судьяларнинг иш юкларининг камайтириш мақсадида суд тартиб-таомилларини соддалаштириш лозимлиги аён бўлди.

Яқинда бўлиб ўтган давра суҳбати чоғида фуқаролик процессуал кодекси нормаларининг амалиётда қўлланилиши ҳолати юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари атрофича муҳома қилинди. Бу борада мавжуд камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шу асосда фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбати қатнашчиларига мониторинг натижалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат бошқаруви органлари, олий ўқув юртли ва илмий тадқиқот муассасаларидан олинган таклифлар, статистик таҳлиллар ҳусусида атрофича маълумотлар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар ходимлари, олий ўқув юртли, илмий тадқиқот муассасалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Бобомурод ТОШЕВ.

ФАҲРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли жазони ижро этиш муассасасига ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат қилиб, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган истеъфодаги полковник Зиёдулло Дониёв, истеъфодаги подполковниклар Олим Сафаров, Ҳабиб Аслонов, Мамади Эсонов ва Баҳодир Қаҳқоровлар таширф буюрдилар. Фахрийлар шахсий таркиб билан дилдан суҳбатлашиб, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик каби халқимизга хос фазилатлар ҳар бир ходимнинг фаолиятида акс этиб туриши лозимлигини айтиб, уларнинг жиноятчиликни олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли хизматларига муваффақиятлар тиладилар.

Муассаса бошлиғи, полковник Э. Ҳамроев фахрийларга миннатдорлик билдириб, эсдалик совғалари топширди.

Рустам МУХТОРОВ.

Миннатдорлик

ХАЛОСКОРЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛИШСИН!

Чирчиқ шаҳар Усмон Носир кўчасидаги 7-уй, 26-хонадонда истиқомат қиламан. Яқинда беш яшар ўғлим кўчада уйнаб юриб, сув тўла чуқурга тушиб кетади ва сув ютиб ҳўшини йўқотди. Маҳалладошларим уни сувдан чиқариб олишиб, ёрдам кўрсатишибди. Кимдир «нафас олмапти» деганда нақ жоним чиқиб кетди, болагинамдан айрилиб қолибман деб ҳўшимдан кетаёзим. Болагинамнинг ранги доқадек оқариб, аста-секин кўкариб боради. Шу пайт етиб келган капитан Зоир Рустамов ва сержант Асад Нишонбоевлар болагиним юраги ўрмаётганини сезиб, уни сунъий нафас олдира бошлади. Биринчи уриниш самара бермади. Сунъий нафас олдириш бир неча бор такорлангач, болам қайт қилиб, ўзига келди ва йиғлаб юборди. Посбонлар ёрдамида болани машинага ўтқизиш шифохонага олиб бордик. Шифокорлар фарзандимнинг ҳаёти ходимлар томонидан ўз вақтида кўрсатилган биринчи ёрдам туфайли сақлаб қолингиларини айтишди.

Чирчиқ шаҳар ИИБ 2-милиция бўлинимаси бошлиғи, капитан Зоир Рустамов ва сержант Асад Нишонбоевнинг тезкор саъй-ҳаракатлари билан ўғлим Самад омон қолди. Бундай фидойий ички ишлар идоралари ходимларига оиламиз номидан миннатдорлик билдираимиз. Уларга соғлиқ-омонлик, элу юрт осойишталиги йўлидаги хизматларида муваффақиятлар тилаймиз.

Халқ дардига дармон бўлаётган халоскор-посбонларимиз ҳаммиса соғ-омон бўлишсин.

Алия ҚОРАБЕКОВА,
Чирчиқ шаҳри.

Халқаро алоқалар

ЎЗАРО ИШОНЧ РУҲИДА



Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИБ вакиллари Россия Федерацияси ИИБ ва Миграция буйича халқаро ташкилот делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Ш. Уринов, Россия Федерацияси ИИБ ҳузуридаги Тергов қўмитаси бошқарма бошлиги, адлия генерал-майори И. Цоколов, Миграция буйича халқаро ташкилот вакили К. Бойченко ва бошқарув иштирок этишди.

Республика ИИБ Тергов бош бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтган ушбу тадбир чоғида ҳар икки давлатлик ҳамкасблар миграция билан боғлиқ долзарб муаммоларни муҳокама қилишди. Жумладан, ноқонуний миграция жараёнлари, бунинг натижасида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида бошқа мамлакатга чиққан одамлар фарз ниятли кимсаларнинг тўрига ирилиб қолаётгани тасдиқланди. Учрашув қатнашчилари ҳозирги замоннинг долзарб муаммоси ҳисобланган одам савдоси жиноятларини тергов қилиш масаласини ҳар томонлама муҳокама қилиш, бу борада Ташрифнинг сўнгги кунда делегация аъзолари республика Бош прокуратурасида ва Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар ўтказишди. Россия Федерацияси ИИБ вакили барча учрашувлар ва музокаралар самимию вазиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганлигини таъкидлади.

Ўзаро таъриба алмашиш имкониятига эга бўлишди. Бундан ташқари, тадбирда гиёвандлик иллатининг тарқалишига, гиёвандлик воситаларининг ноқонуний айлиниши билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди.

Шу кунги меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳам таъриф буюришиб, ушбу вазирлик ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вакиллари иштирокисидан музокаралар олиб боришди.

Ташрифнинг сўнгги кунда делегация аъзолари республика Бош прокуратурасида ва Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар ўтказишди. Россия Федерацияси ИИБ вакили барча учрашувлар ва музокаралар самимию вазиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганлигини таъкидлади.

Ирина САЙФУТДИНОВА. Суратда: мулоқот пайти. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Анжуман

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Аёл – ҳаёт гултожи, оила шамшироғидир. У бор экан, олам гўзал, хонадонлар саранжом-сарашта, фарзандлар бахтиёр. Бугунги кунда аёлларнинг турли соҳаларда фаолият юритаётгани эса унинг гулдай нафислиги билан бир қаторда мустақам ирода эгаси эканлигини ҳам ифодалайди. Айниқса, юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида эркаклар билан бир сафда туриб хизмат қилаётган аёлларимиз алоҳида таҳсинга лойиқ. Негаки, кишидан сабр-тоқат, шижоат талаб қилувчи бу касбини чин маънода юрагига ўти бор аёллар танлайди. Демакки, улар жамиятнинг фаол аъзоси, тугган ўрни эса ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қуриқлаш» бирлашмаси, Бирлашма алоҳида милиция батальони, Комендатура, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда пойтахт вилояти ИИБ ҳузуридаги қуриқлаш бошқармаларида хизмат қилаётган хотин-қизлар иштирокида «Аёл ва жамият» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг комиссияси аъзоси Дилфуза Фуломова, ИИБ Тергов бош бошқармаси катта терговчиси, Хотин-қизлар кенгаши раиси, полковник Қурбонбиби Султонова ҳамда ИИБ Тошкент олий харбий-техника билим



Юрти тиббиёт хизмати бошлиги, подполковник Латофат Анваровалар иштирок этишди. Дилфуза Фуломованинг «Ўзебекистон Хотин-қизлар қўмитасининг аёллар ҳуқуқлари мониторингини ўтказиш, жамиятда ва оилада улар мақомини ошириш

кўрсатиш тиббиёт хизмати бошлиги, подполковник Латофат Анваровалар иштирок этишди. Дилфуза Фуломованинг «Ўзебекистон Хотин-қизлар қўмитасининг аёллар ҳуқуқлари мониторингини ўтказиш, жамиятда ва оилада улар мақомини ошириш

юзасидан фаолияти тўғрисида»ги маърузаси айниқса қизиқarli бўлди. Шунингдек, қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ ва батафсил жавоб олишди. Ички ишлар вазирлиги тизимларида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида полковник Қурбонбиби Султонова сўзга чиқиб, аёллар ҳуқуқлари, уларга яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида гапириб берди.

Подполковник Латофат Анварова «Соғлом аёл – баркамол авлод яратувчиси» мавзусида атрофича фикр юртди. Бир сўз билан айтганда, жамиятда аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва соғлигини сақлашга бағишланиб ўтказилган ушбу тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Эеро, соғлом аёлдан соғлом фарзанд туғилади. Соғлом ва билимли авлод эса буюк келажак пойдеворидир.

Умид БОЛЛИЕВА. Суратда: тадбирдан паёха. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

«Қорадори – 2010»

ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИДА

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, шу жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам «Қорадори» тадбири кенг миқёсда ўтказилаётипти. Ички ишлар ходимлари айрим шахслар томонидан етиштирилаётган наркотик ўсимликларни аниқлаб, жойида йўқ қилиш чораларини қўришаётипти. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айлинишига қарши кураш бўлими бошлиги, подполковник Т. Назаров қуйидагиларни гапириб берди.

– Бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот посбонлари олдинда турган асосий вазифалардан бири гиёвандлик моддаларини сақлаш, тарқатиш ва сотишга бўлган уришилларга қарши кескин кураш олиб боришдан иборатдир. Республика ички ишлар идоралари ходимлари бу борада манфаатдор ташкилотлар, мутасадди идораларнинг вакиллари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш қўраётгани яхши самара бераёпти. «Қорадори – 2010» тадбири бошлангандан бери вилоят ҳудудидаги 1708 кв. метр майдонда тарқибда гиёвандлик моддаси бўлган ўсимликлар парваришланмаётгани аниқланди. Шундан 1594 кв. метри қўноғори, 115 кв. метри эса нашадир. Ана шу ҳолатлар бўйича 66 кишига жиноят иши қўзғатилди.

Тадбир давомида гиёвандлик моддаларининг ноқонуний айлиниши билан боғлиқ 57 та ҳолат қайд этилди. Ички ишлар ходимлари қўноғузарлардан 66 килограмдан ортиқ оғу олишди. Урни келганда мисолларга мурожаат этсак. Жорий йилнинг 24 май куни Оқдарё тумани Пишоқчи қишлоғида яшовчи нафақадор Х. Бобохоновнинг уйда кўкнор етиштирилаётгани аниқланди. Бу ҳам етмагандек, ҳовлисида 4 кг. 500 грамм ана шундай моддани сақлаётгани фош этилди. Пайриқ тумани Чангороқчи қишлоғида яшовчи М. Мамаражобов ҳам ҳовлисида кўкнор етиштирилган маълум бўлди. Ички ишлар ходимлари ҳолислар иштирокида Иштихон тумани Шайхларкет қишлоғида истикомат қилувчи О. Пулатованинг уйини қўздан кечиршганда молхонасидан 12 кг. 140 гр. кўкнор чиқди.

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, бундай савий-харакатлар ҳозир қотилга ошно бўлиб, ўзи ва ақинлари ҳаётига раҳна солаётган юзаб, ҳатто минглаб инсонларни оғу таъсиридан сақлаб қолиши тайин. Бу эса наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айлинишига қарши янада кескин кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатиб турибди. Бунда «Қорадори» тадбирининг ўрни катта бўлаёпти. Эеро, тадбир доирасидаги рейдларга ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари билан бирга кенг жамоатчилик ҳам жалб этилмоқда.

Бизнинг вазифамиз нафақат таркибда гиёвандлик моддаси бўлган ўсимликларни аниқлаб йўқ қилиш, балки аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ҳам олиб боришдан иборатдир. Фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига наркотиклар нақадар хавфли эканлиги, уларнинг инсон организмига салбий таъсирни чўқур сингирдирилмас экан қўзланган мақсадга эришимиз мушқул. Ички ишлар ходимлари бу борада бор имкониятларни ишга солаверадилар.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА ёзиб олди. Самарқанд вилояти.

Кадрлар – етакчи куч



Тошкент вилояти ИИБ ШТБИХ тест марказида ходимларнинг касбий маҳоратлари текширувдан ўтказиб борилади. Ушбу марказга «СКАТ» русумли замонавий электрон ўқ отиш мосламаси ўрнатилганлиги эса ходимларимизнинг бу борадаги маҳоратларини оширишда бир қанча қулайликлар туғдирди.

СИНОВ ЕТУКЛАРИНИ САРАЛАЙДИ

Ўқув йили якуни бўйича вилоят ИИБ аппарати ва қўйи тизимлари шахсий таркибининг касбий маҳорати бўйича эгаланган билимларини аниқлаш ҳамда малака тоифасини бериш юзасидан синов-имтиҳонлари қабул қилинди. Ўқув машғулотларини яхши ўзлаштирган ходимлар имтиҳонлардан яхши баҳолабга ўтиб, хизматни давом эттиришаёти. Шунингдек, бир қатор ходимларнинг малакалари синовдан ўтказилиб, янги лавозимларга тайинланди. Синов етуқларни саралайди, деб бежиз айтишмайди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганлар раҳбарият ишончини қозониб, жамоада маҳоратлилар қаторида тилга олинади.

Қодир НУРМУҲАМЕДОВ, майор. Суратда: синов имтиҳонларини топшириш жараёни.

Семинар СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Маълумки, Республика Ички ишлар вазирлигида ходимларнинг малакасини ошириш ва мутахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилади. Жумладан, республика ИИБ ППХ ва ЖТСББга бевосита бўйсунувчи кинолог ходимлар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлаш марказида тўрт ойлик ўқув машғулотлари ташкил этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар, Транспорт ИИБлари, ИИБ махсус отряди, Қоровул қўшинларидан юборилган ходимлар тўрт ой давомида хизмат итларини ўргатиш бўйича машғулотларда иштирок этиб, билимларини оширадilar. Ички ишлар ходимларининг тўрт ойлик ёрдамчилари из қидирув, гиёвандлик моддалари ва психотроп воситаларни топши, портловчи моддалар ҳамда портловчи усқуналарни аниқлашга ўргатилди. Хар бир ҳудудда марказда парваришланаётган немис овчаркиси, лабрадор, ротвеллер, Шарқий Европа овчаркиси, спаниел каби зотли итлар бириктирилган ҳолда машғулот ўтдилди. Яқинда навабдаги машғулотларни тугатган ходимларга мутахассислик сертификатлари топшириди.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Терми шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, БМТ Тараққиёт дастури, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ташкилотчилигида «Инсон ҳуқуқларининг суддаги муҳофазаси амалиёти: одил судловга эришишнинг халқаро ва миллий андозалари» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлигини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сурхондарё вилояти бўйича минтақавий вакили, вилоят Адлия бошқармаси, Прокуратураси, жиноят ишлари бўйича вилоят ва Термиз шаҳар суди, Ҳўжалик суди, Фуқаролик суди, Термиз харбий прокуратураси, вилоят Адвокатлар палатаси, вилоят ИИБ, «Махалла» жамғармаси, Фуқаролик жамиятининг ўрганиш институтининг вилоят бўлими ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Семинар ташкилотчилари номидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг бўлим мудири М. Самарходжаева, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастурининг етакчи мутахассиси Е. Абдуллаев ҳамда республика ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиги, подполковник И. Турғуновлар қатнашди.

Кун тартибидеги масалалар бўйича сўзга чиққанлар «Инсон ҳуқуқларининг суддаги муҳофазасига оид халқаро андозаларнинг миллий қонунийлиги миздаги имплементацияси», «Одил судловга эришишни инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари воситасида таъминлаш», «Суд амалиёти юртимдаги процессуал қоидаларнинг қатъий таъминланиши – суд қарорларининг асослиги ва қонунийлигининг муҳим шарт», «Фуқаролар ҳуқуқларининг суддаги ҳимояси ва суд фаолияти амалиётининг қонуний асослари», «Ушлаш чоғида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши. Фуқаролар ҳуқуқларининг суддаги ҳимояси билан мавзуларда хар томонлама илмий асосланган маърузалар ўқушди.

Семинар якунида билдирилган тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, жамлаб олинди. Б. МҮМИНОВ, майор. Сурхондарё вилояти.

Зиёрат

ЗАМИН САЙҚАЛИГА САЁҲАТ



Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақатда кексалик гаштини сураётган фахрийлар учун хайрли тадбирлар уюштиришни йўлга қўйган. Ана шу аънанга мувофиқ бир гуруҳ фахрийлар замин сайқали аталмиш, қўна ва навқирон Самарқанд шахрига саёхатга олиб борилди.

Саёхатчилар тарихий обидаларга бой Самарқандга бораётиб, дастлаб, ислом оламида буюк муҳаддис номи билан машҳур аллома бобомиз Имом ал-Бухорийи мажмуасини зиёрат қилдилар.

Фахрийлар арслар давомида ўзининг бетакдор гўзаллиги, маҳобати ва беқиёс меъморий қурилишини кўз-кўз қилиб, барчани хайратга солиб турган Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакорик мадрасаларини томоша қилдилар. Буюк Соҳибқирон дафн этилган Ғури Амир мақбарасини зиёрат қилиб, Шоҳи Зинда меъморий ансамблидаги обидалар билан танишдилар. Фалақийет илмининг султони саналмиш Мирзо Улуғбек расадхонаси айниқса саёхатчиларда катта таассурот қолдирди.

– Буюк аллома боболаримиз мақбараларини зиёрат қилган хар бир киши, юртимизнинг ана шундай улўғ инсонларини борлигидан фахрланиб қалбига гурур туйғулари жўш уради, – деди истеъфодаги полковник Юсуф Тошбоев. – Самарқанд шахрининг йилдан-йилга гўзаллашиб бораётганини кўриб чин дилдан қувонди. Фахрийлар бу мақддас қадамжоларга зиёратга олиб боришни ташкил этганларга миннатдорлик билдираимиз.

Назиржон ЙҮЛДОШЕВ. Сирдарё вилояти.

МУҚАДДАС ОБИДАЛАР БАҒРИДА

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар ИИБ раҳбарияти бир гуруҳ ички ишлар идоралари фахрийларини Бухородаги тарихий обидаларни зиёрат қилиш мақсадида саёхат ташкил этди. Зиёратчилар даставвал аллома Абдуллох Гиждувдийи ҳазратларини мақбараларини зиёрат қилдилар. Кейин эса мусулмон оламида муқаддас аллома сифатида тан олинган Баховуддин Накшбанд ҳазратлари ва у кишининг волидалари Биби Орифа мақбараларини бориб кўрдилар.

Зиёратчилар Улуғбек, Мир Араб мадрасаларини, Бухоро султонлари, хонлари ва амирларининг турар жойлари – Арк ва Ситораи Моҳи Хоссани, Сомонийлар мақбараси, Минораи калон ва бошқа тарихий ёдгорликларини томоша қилиб, уларнинг тарихи билан танишиб, катта таассуротга эга бўдилар. Фахрийлар бундай мароқли зиёрат учун шаҳар ИИБ раҳбариятига миннатдорлик билдирдилар.

М. ЖУМАЕВ, истеъфодаги майор.

Жаҳон айвонида . . . Жаҳон айвонида . . . Жаҳон айвонида . . . Жаҳон айвонида

МАРСДАГИ УЛКАН КҮЛ

Ўтмишда «Кизил сайёра»да узунлиги 2000 километрлик кўл бўлгани эҳтимолдан холи эмас. НАСА қошидаги Сайёрашунослик институти ходимлари тақдим этган Марсининг янги харитасидаги геологик маълумотлар мазкур илмий фаразни тасдиқламоқда. Мутахассисларнинг мавзуга оид мақоласи «Нейчэ геосанс» журналда чоп этилди.

Олимлар сайёрага йirik метеорит тушгандан сўнг ҳосил бўлган, деб тахмин қилинаётган Эллада текислиги катлами таркибини ўрганишган.

Марсини ўрганиш вазифаси юклатилган бир неча, «Викинг», «Марс Одисси», «Марс Орбитер» каби самовий аппаратлар ёрдамида олинган сўнгги маълумотлар бу тахминнинг тўғрилигини тасдиқлади. Айни пайтда қурилмалар ахбороти таанган ҳолда кўл бундан тахминан 3,5 – 4,5 миллион ил олдин ҳосил бўлгани ҳам қайд этилди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш зарурки, Марсда сув бўлгани тўғрисидаги илмий фараз 2008 йили «Феникс» зонди ёрдамида олинган тупроқ таҳлиллари натижаси асосида ўз тасдиғини топганди.

ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ АМАЛИЁТЛАР

«Reuters» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, АҚШнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари мамлакат ҳудудида фаолият қўрсатаётган гиёвандлик моддалари сотувчи жиноий гуруҳларга қарши кенг қўламли амалиётлар ўтказишди. Амалиётлар чоғида гиёванд моддалар савдосига алоқадорликда гумон қилиниб, 16 шаттада яшовчи 429 киши қамоққа олинди. Улардан ярим тоннага яқин марихуана, 100 килограмм кокаин, 1471 дон қурул ва 5,8 миллион доллар нақд пул торттиб олинди. Қамоққа олинганларнинг қулуги катта миқдорди гиёвандлик моддаси сақлаш бўйича жиноят иши очилди.

Таъкидлаш жоизки, АҚШлик ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мексикалик ҳамкасблари билан 2008 йилдан буюн шундай амалиётларни ўтказиб келади.

МИЛЛИОНЕРЛАР Сони БҮЙИЧА

Қувват араб мамлакатлари ичида ўз миллионерлари сони бўйича биринчи ўринда экан. Янги хар минг нафар аҳолига 82 нафар миллионер тўғри, келади. Бостон маслаҳат гуруҳи тадқиқотлари натижаларига асосланиб, «Ал-Қабас» газетаси бу ҳақда хабар тарқатди.

Хабарда қайд этилишича, аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда, Қувват ўз миллионерлари сони бўйича Сингапур, Гонгконг ва Швейцариядан сўнг дунёда тўртинчи ўринда. Каттар – бешинчи, Бирлашган Араб Амрликлари эса олтинчи ўринда. Уларда хар минг нафар аҳоли жон бошига 74 ва 62 нафар миллионер бор экан. АҚШда эса бу кўрсаткич 41 таи ташкил этади.

«ТЕЗ ЁРДАМ» МОТОЦИКЛИ

Мисрда «тез ёрдам» мотоцикли яратилди, дейилади «РИА Новости» ахборот агентлиги хабарида. Уни профессор Маҳмуд аш-Шарбини ихтиро қилди. Мотоциклга биринчи ёрдам кўрсатиш учун керак бўладиган барча жиҳозлар ўрнатилган. Мутахассис бу янгиллик катта самара беришига умид қилмоқда. Унинг сўзларига кўра, сўнгги йилларда дунёнинг қўлаб йирик шахарларида автомобилларнинг сони кескин қўлайиб бормоқда. Бу, табиийки, кўчаларда тирбандлиқнинг ошишига олиб қелватир Ана шундай вазиятларда мотоцикл билан қўзданган манзилга ўз вақтида етиб борса бўлади. Аш-Шарбини ўз ихтиросини дунёнинг қўлаб йирик компанияларига ишлаб чиқариш учун тавсия қилган.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

«Галла – 2010»

БОБОДЕҲҚОНЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Мавсум давомида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида комбайнлари галла майдонларига махсус кузатувлар остида, автоқаровлар тарзида олиб бориш таъминланмоқда. Шунингдек, мавжуд йўллар яна бир бор кўриқдан ўтказилиб, худудларга қўшимча йўл белгилари ўрнатилди.

– 150 гектар суғориладиган майдоннинг 85 гектарида дон экканмиз, – дейди Беқобод тумани «Ўзбекистон» фермерлар уюшмасига қарашли «Дилзиё-шамс» фермер хўжалиги

раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Мамажон Ғофуров. – Ҳар гектар майдондан 50-55 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга дон сотиш шартномасини бажардик. Фурсатдан фойдаланиб, мавсум давомида яқиндан ёрдам бераётган ички ишлар ходимларига фермерлар номидан миннатдорлик билдирарман.

Худудлардаги ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторлари томонидан фуқаролар йиғинлари, хўжалиқ раҳбарлари, фермерлар билан ҳамкорликда галла майдонларида ёнғин хавфсизлигини

таъминлаш, нест-нобудгарчилиқнинг олдини олиш, галла майдонларини мунтазам назорат қилиб бориш мақсадида маҳаллалар, гузарларда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларни умумлаштириш учун вилоят ИИБ ҳамда галла етиштирилган туманлар ИИБларида «Галла-2010» тезкор штаби ташкил этилган. Ишчи гуруҳлари томонидан кундаги маълумотлар умумлаштирилиб, зарур кўрсатмалар етказиб берилмоқда.

Шуршид РЎЗИЕВ, лейтенант.

Тошкент вилояти.

Галла халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги рамзидир. Миллий қадриятларимизда ҳам ризқ-рўзимиз бўлиши нон эъзозланади. Ҳиммати балинд бободехқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган бугўдай ўрим-йиғимига киришилди.

«Галла – 2010» тадбири давомида республикамиз худудига етиштирилган бошоқли экинларни нобудгарчилиқсиз, ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиш, дон маҳсулотлари ўғирлигини, талон-тарож қилиниши ва ноқонуний равишда четга олиб чиқиш кетилишига йўл қўймаслик, темир йўл транспорт иншоотларида манзилларга вақтида етиб бориши ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Транспорт ИИБ тизимидаги барча тармок ИИБ ходимлари томонидан кенг қўламадаги ишлар олиб борилмоқда.

Бошқарманинг «GM – UZBE-

KISTAN» қўшма қорхонаси ва қимматбаҳо юкларни кузатиш махсус милиция батальони ҳамда «Ўздон-маҳсулот» қорхонасига қарашли «Ангрендон» ва «Жиззахдон» қорхоналари ўртасида дон маҳсулотларини кузатиш бўйича шартномалар тузиб олинди.

Йиғиб олинган дон маҳсулот-

билан таъминлаш чоралари кўрилди. Ҳозирги кунда Транспорт ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари худудларида жойлашган темир йўл излари қирган 43 та юк ор-

ми ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган профилактика-огоҳлантирув тадбирлари фаоллаштирилди, – дейди Транспорт ИИБ бошлиги ўринбосари, «Галла – 2010» штаби бошлиги, полковник Илҳом Хилватов. – Шунингдек, ёнғин ўчириш отряд ва



ри бекаму кўст ўз манзилларига етиб боришига эришиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ҳозирда Транспорт ИИБ тармоқларида фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторлари худудий ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда профилактика ишларини янада кучайтиришган. Асосий эътибор донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилмоқда. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Э. КЎЗИЕВ, катта сержант.

МАНЗИЛГА БЕТАЛАФОТ ЕТКАЗИЛАДИ

ларини ташиш, йўловчи ва юк поездаларида назоратни кучайтириш, шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси тизимидаги ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармасига қарашли жойларда мавжуд бўлган 14та ёнғин ўчириш поезди ва 13та автомобилнинг жанговар ҳолатини текшириб чиқиш, уларни барча зарур ёнғин ўчириш асбоб-анжомлари

тиш ва тушириш майдонлари рўйхатга олиниб, дон маҳсулотни ортлиқли режалаштирилган 34 та майдоннинг ёнғинга қарши ҳолати мониторинг тарихида ўрганиб чиқилди. Темир йўл бекатларидаги мавжуд барча сув таъминоти иншоотлари ва ўт ўчириш воситаларининг доимий соҳ ҳолда бўлиши назоратга олинди.

– Мавсум давомида шахсий таркиб ўртасида хизмат интизо-

командалари шахсий таркибининг касб маҳорати ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида 12 мартаба ёнғин ўчириш ўқув машқлари ва 3 мартаба амалий тактик машғулотлар ўтказилди. Галла ўрим-йиғимига жалб қилинган ходимлар зиммасига юклатилган вазифалар тўлиқ бажарилиши учун барча чоралар кўрилди. Халқимиз бойлиги ҳисобланган дон маҳсулотла-



Суратда: Тошлоқ тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, лейтенант Фарҳод Эргашев туман ҳокимлиги мутахассиси Юсуфжон Ғошӣлов ва «Исмилу-Ғай» фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Шерзоев билан навбатдаги вазифаларни маслаҳатлашяпти.

Жорий йили давлат омборларига 335 минг тоннадан зиёд галла етказиб беришни режалаштирилган Фарғоналик деҳқонлар ҳозирги кунда ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари мавсум давомида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, дон маҳсулотларини қабул қилиш, куритиш ва сақлаш омборлари, қайта ишлаш қорхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида зиммаларига юклатилган вазифаларни сийқидилдан бажаришмоқда.

Бўрибой ОМОНЗОДА олган сурат.

Содиқ РАҲИМОВ, Қашқадарё вилояти.

МАВСУМГА ҚЎШИЛАЁТГАН ҲИССА

Барча жойда бўлгани каби Қашқадарё вилояти галлақорлари томонидан ҳам етиштирилган ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ишлари бошлаб юборилди. Мавсумни беталафот ўтказиш учун маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, ички ишлар идоралари вакиллари ҳамкорлигида иш икки босқичда ташкил этилган.

Дастлабки палладаноқ вилоят ИИБда тузилган ички гуруҳи кулик қилинган ишлар юзасидан маълумотларни тўплаб, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишини назорат қилмоқда. Олдингиларидан фарқи равишда, бу йил галласи пишиб етилган майдонларни бир бошидан тўлиқ ўриш, ўрим комбайнлари бир зум ҳам тўхтаб қолмаслигига эришиш режаси ишлаб чиқилди. Яъни, вилоятдаги мавжуд 363 та юқори унумли «Кейс», «Класс», «Дон – 1500» ҳамда бошқа русумдаги комбайнлар гуруҳларга бўлинган ҳолда галла ўрил-

моқда. Бу гуруҳлар таркибига ишчи-хизматчилардан ташқари, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари киритилгани айни муддао бўлаёттир.

Даладан йиғиштириб олинаётган дон ўз вақтида, нест-нобуд қилинмай хирмонлар, омборларга етказилапти. Тадбир давомида кўнгилсизликлар руй бермаслиги учун транспорт воситалари техник соҳ ҳолда бўлиши, ҳайдовчилар ёнғин ва йўл ҳаракати қондаларига қатъий амал

қилиши таъминланмоқда. Яъни, галлазор ва дон қабул қилиш пунктларида ёнғин ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳлари тушунтириш учун олиб боришмоқда.

Вилоятнинг энг кўп дон етиштирилаётган Касби туманида бўлганимизда, ўрим-йиғимнинг бориши, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, майда ташмачиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар намунали ташкил этилганини кўрдик. Биргина «Комилон» фермерлар уюшмасига қарашли фермер хўжалиги галлазорларида 6 та ўрим комбайни ишламоқда. Йиғиштириб олинаётган ҳосилни пешма-пеш омборларга етказишда 30 га яқин автотранспорт воситалари узлуксиз хизмат кўрсатаяпти.

Далалардан ўриб-йиғиб олинган галларни нест-нобуд қилмай омборларга етказилишини таъминлаш учун айланма, марказий йўлларда 4 та мавсумий кўчма назорат-кузатув ИПХ масканлари ҳамда назоратли текширувлар олиб боришмоқда.

Шу кунларда ҳайдовчилар ва ишчи-хизматчилар ўртасида ички ишлар ходимлари томонидан кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилапти. Бунда асосий эътибор ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига амал қилиш, галла талон-тарожчилигига йўл қўймасликка қаратилмоқда.

Содиқ РАҲИМОВ, Қашқадарё вилояти.

«Ғамхўрлик – 2010»

Ўғил-қизларимизнинг ёзи таътилда маза қилиб дам олиб, янги ўқув йилига куч тўплаши, саломатликларини тиклаши ҳуқуқимизнинг доимий эътиборида. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида «Ғамхўрлик-2010» ширин остида болаларнинг соғломлаштириш ва кўнгилли дам олишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Ана шу режага мувофиқ, мавсумда республика бўйича жами 812та, жумладан, 231 та стационар турдаги, 581 та мактаблар қошидаги оромгоҳлар фаолият юритади. Уларда 205 мингга яқин болалар хордик чиқаришди. Экологояси оғир ҳисобланган Оролбўйи минтақаларида яшовчи ўғил-қизларнинг Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятининг хушманзара ва сўлим жойларида хордик чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

– Қорақалпоғистон Республикасида таширф буюрган икки юздан ортик болаларни кутиб олдик, – дейди Транспорт ИИБ Тошкент тармок ИИБ ВЕОҲОБ бошлиғи, майор Н. Исирганов. – Болаларнинг манзилга хавф-хатарсиз етиб келишларини таъминлаш учун тажрибали ходимлар жалб этилди. Майда ҳуқуқбу-

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР



зарликлар ва бошқа салбий ҳаракатларнинг олдини олиш борасида барча чоралар кўрилди. Мавсум давомида ходимларимиз 20 мингдан ортик болаларни кутиб олиб яна манзилларига кузатиб қўйишга масъулдилар.

Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган «Гулбахор» болалар-соғломлаштириш оромгоҳи

раҳбари Саидмахмуд Агзамовни суҳбатга тордик.

– Қорақалпоғистонлик ўғил-қизларимизнинг кўнгилли хордик чиқариб, саломатликларини тиклашлари учун масканимизда барча шарт-шароитлар яратилган, – дейди у. – Тажрибали тарбиячи-педагоглар, пазандалар улар хизматида. Унлаб санъат, мусиқа, касб-ҳунар тўғрақлари, спорт

секциялари ташкил этилган. Бундан ташқари, болалар меҳнат фахрийлари, таниқли спорт усталари, авиамоделичлар билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконига эга.

– Биринчи марта оромгоҳга келишим, – дейди Нукус туманидаги 27-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Шаҳноза Султонмуратов. – Бу ерда мириқиб дам олиб, янги дўстлар ортиришимга ишонаман.

– Мен эса бир неча марта келганман, – дея суҳбатга қўшилди Нукус шаҳридаги 25-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ботир Элмуратов. – Оромгоҳда маза қилиб дам олиш қаторида спорт билан шуғулланиш ёқди. Футбол ўйнашни ёқтираман, гуруҳ тузилса, албатта, унинг қолиб бўлиши учун бор имкониятими ишга соламан.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА, майор.

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚКА МУНОСИБ ИМКОНИЯТ Фарғона тумани Хонқиз қишлоғидаги «Тонг» болалар оромгоҳи

Бу ерга кириб боришингиз билан саховатли табиатнинг бекатарор инъомларидан баҳраманд бўлаётганингизни ҳис қиласиз. Йўлакнинг икки чеккасида ифोर таратиб турган гурфа атиргуллар, айниқса, ҳовузларни тўлдириб, кўзни қувнатиб, барқ уриб очилиб турган нилуфар гуллари чироғига маҳлиё бўлиб тўймайсиз. Тоғ ёнбағридан эсаётган саррин шабада юзингизни силаб ўтади. Оромгоҳ ёнбошидан шовуллаб оқиб ўтаётган сойнинг шўқиллиридан дилингиз яйрайди, кайфиятингиз кўтарилиб, қалбингизга гўзал туйғулдар меҳмон бўлади...

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли мажур даргоҳда мактаб ўқувчилари ёзи таътилни мароқли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилган. Бир мавсумда бириўла 240 нафар ўғил-қиз хордик чиқариш имконига эга. Бундай мавсумлар эса таътил давомида 4 тани ташкил қилади.

– Оромгоҳда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди, – дейди Олтиариқ Ёқилги ишлаб чиқариш қорхонасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 5-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми катта муҳандиси, кичик сержант Ш. Давлатов. – Бу ерда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари шай ҳолга келтириб қўйилган. Оромгоҳ ишчи-хизматчилари билан электр ва газ жиҳозлари-

дан фойдаланиш қондалари, мавсум давомида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чоралари бўйича йўриқномалар ўтказилди.

Бундан ташқари, худуддаги профилактика инспекторлари болаларнинг таътилни бекатар ўтказишларини таъминлашга жалб этилди.

Н. АСЛАНОВ, Фарғона вилояти.

Инсон ҳуқуқлари – муқаддас

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» САМАРАСИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Урганчлик муқаддас судланган Х. Ҳабибулло эса гиёҳвандлик моддаси олди-соддиси билан шуғулланиб, маҳалла аҳлини жиддий таъшишга қўяётгани. Шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚБ ходимлари «Ишонч телефони» орқали етказилган ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида тезкор тадбирни амалга оширишди. Х. Ҳабибулло шаҳардаги «Дипломат» кафеси олдида 0,82 грамм героинни 90 минг сўмга сотаётган пайтда ушланди.

Тунда Урганч туманидаги Чотқўпир қишлоғида жойлашган Эркин Матрасуловга қарашли хусусий дўканада ўғирлик содир этилди. Номаълум шахс дўкон эшигининг қулфини бузиб, кўп миқдордаги турли буюмларни ўғирлаб кетганди. Мазкур жиноят юзасидан тезкор тадбирлар олиб борилаётган бир пайтда туман ИИБ «Ишонч телефони»га гумондор шахс ҳақида хабар келиб тушди. Олиб борилган суриштирувлар натижасида бу хабар ўз тасдиғини топди ва хонқалик С. Фарҳод ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Ҳазорасп тумани ИИБ навбатчилик қисми «Ишонч телефони»га келган навбатдаги кўнгиракда тумандаги Бешта қишлоғида яшовчи, тадбиркор Зафар Худойберганов «PAYNET» ҳисоб рақамидан интернет тармоғига кириш орқали 215 минг сўм пул ўғирланганини хабар қилди. Ушбу жиноятга хазорасплик И. Одилов ҳамда унинг шериги О. Бобур қўл ургани маълум бўлди.

«Ишонч телефонлари» нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигини тўғри англаган фуқароларимиз эл-юрт тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлашга муносиб улуш қилишяпти.

Худойберган ЖАББОРОВ ёзиб олди.

Хоразм вилояти.

ИИБ Матбуот маркази хабарлари

ЕР – БОЙЛИК, БИРОҚ... Дехқончилик – бараканинг қалити, дейишди кексаларимиз. Ер одамнинг қорнини тўйдирди, уст-бошини бутлайди. Шундай экан, бу бебаҳо неъматни суистемол қилмаслик керак. Бухоро туманидаги Зармақон қишлоғида яшовчи И. Жумаев бу олдий ҳақиқатни билса-да, ундан кўз юмди. «Қорадори» тадбири давомида у томорқасида 37 тул қўқнори парваришляётгани аниқланди. Фақат бу эмас, хонадон соҳиби 1 килограмм 500 граммдан зиёд яна шундай моддани яшириб қўйгани ҳам фож этилди. Улуғ неъматдан қабих ниятда фойдаланган кишини эса ҳаммиса жавобгарлик қўтади.

ҚУЛБУЗАР ҚЎЛГА ТУШДИ Номаълум шахс Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида яшовчи Э. Аллақулиевнинг уйига эшик қулфини бузиб кирди. Қулфбузарнинг нияти ҳен қачон яши бўлмаслиги ойдаи равшан. Қутулмаган «меҳмон» хонадон ётоқонасида турган 710 АҚШ доллари ва 3 турдаги тақинчоқни қўлга киритгач, жуфтақни ростлаб қолди. Тезкор ходимларнинг сай-ҳаракатлари тўғрисида ушбу жиноятни О. Зоир содир этгани аниқланиб, ушланди.

АШЁВИЙ ДАЛИЛ – ОВ МИЛТИГИ Ов қуролнинг бори яши, агар у ИИБ рўйхатидан ўтган бўлса, албатта. Бироқ лоқайлиқ ёхуд бошқа мақсадларни кўзлаб уни расмийлаштирмаслик қонунан тақиқланган. Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи Х. Шойимқулнинг уйи текширилганда у ердан ИИБ рўйхатидан бўлмаган «Иж» русумли, 16 калибрли ов милтиғи топилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

